



Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 27-dekabr, №52 (833)



Кўнгилларда қиш завқи

2013 йил — Обод турмуш йили

Кўнгилдан бошланар ободлик...

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида Ўз ўрнини топанга йигирма бир йил бўлди. Бу йилларда халқимизнинг озод ва обод Ватан, янги давлат ва жамият барпо этиш йўлидаги буюк ишлари мужассам. Ўз тараққиёт йўлидан дадил оидлаётган мустақил Ўзбекистонимизнинг эришаётган ютуқлари қалбларимизга қувонч бағишлайди. Кечаги ўтмишимиз ва бугунги кунимизни таққослаб, кўнгилмиздан беҳтиёр шундай савол кечади: кеча ким эди бугун ким бўлди?

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

Аслида бу ҳақиқатни англаш учун узоққа бориш шарт эмас. Жаннатмонанд юртимизнинг бетакрор қиёфасига бир боқинг: у бундан йигирма бир йил аввалги Ўзбекистонга асло ўхшамайди. Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча гушалари, айниқса, пойтахтимизда бири-биридан кўркам боғлар, муҳташам иншоотлар барпо этилаётгани, ушбу бунёдкорлик ишлари асим шахримизни замонавий мегаполисга айлантирди.

Бунёдкорлик — халқимизга хос фазилат. Истиқлол йилларида бу борадаги ишлар ўз кўлами ва миқёси жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Республикада қишлоқ аҳолиси учун замонавий турар жойлар қурилиши жараёни бунга ёрқин мисол бўла олади. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ бунёд этилаётган замонавий, шинам ва кўркам турар жойлар нафақат қишлоғу овулар чиройига чирой, балки минглаб қишлоқлик қалбига қувонч бағишламакда. Якунига етиб бораётган "Мустаҳкам оила йили" да вилоятимизда 870 та намунавий турар жой қурилиб, ўз эгаларига топширилгани шундан далолат беради.

— Тўқинчиликка не етсин, рости бундай ўзгаришларнинг бўлиши яқин-яқингача хаёлимизга ҳам келмаган, — дейди Қарши туманидаги Мирмирон

мавзеидаги намунавий турар жой хонадонларидан бирида яшовчи Гулноза Отауллова. — Бугун бошқа юртдошларим каби мен ҳам барча қулайликларга эга шинам уй-жойнинг эгасиман. Уйимиз 4 хонали. Айвон, ошхона, хуллас, бир оила учун нимаки зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё. Ўзим "Иссиқнон Навкат" шўба корхонасида хисобчиган. Турмуш ўртоғим тadbirkор. Мамлакатимизда яшаш ва ишлаш учун шундай шароити имкониятлар яратилаётган экан, шунга яраша меҳнат қилишимиз керак-да.

— Маҳалламизда 240 та замонавий уй қурилиб, фойдаланишга топширилган, — дейди биз билан суҳбатда Мирмирон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тилиб Сафаров. — 2013 йилда яна 50 та уй қурилиб, фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда. Маҳалламизда 280 ўринли замонавий типдаги мактаб, қишлоқ врачлик пункти, дорихона, маиший хизмат уйи, нововойхона, 2 та минибан ва деҳқон бозори мавжуд. Маҳалла гузари ҳам янги-дан қурилган.

Бугун юртимизни улкан қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш майдонига менгзасак арзийди. Иншоотлар, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун мўлжалланган яқка тартибдаги турар жойлар миллий аънаъларимиз ва замонавийлик уйғунлаштирилган ҳолда барпо этилаётгани боис, қишлоқларимиз кўрunga кўр, чиройига чирой қўшмоқда. Масалан, юқорида таъкидланган турар

жой массивига мос равишда мактабгача тарбия болалар муассасаси ва чойхона қуриш режалаштирилмоқда.

Конституциямиз қабул қилинган кун муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида Юртбошимиз томонидан келаятган йилга ном бериш аънаъага айланиб қолди. "Ижтимоий ҳимоя йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Қарияларни қадрлаш йили", "Обод маҳалла йили", "Меҳр ва мурувват йили", "Сихат-саломатлик йили", "Ешлар йили", "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили", "Баркамол авлод йили", "Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили".

Йилларнинг номларига эътибор берсангиз, уларнинг ҳаммаси ижтимоий турмуш фаровонлигини ошириб боришга қаратилган. Энг муҳими, эълон қилинган ҳар бир йилда Давлат дастури қабул қилиниб, кенг миқёсда амалий ишлар бажарилган.

Ўтган йилларнинг мантқий давоми сифатида 2012 йил Президентимиз томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинган эди. Бунинг боиси шундаки, жамият, қолаверса, мамлакат тараққиётида мустаҳкам оиланинг ўрни бекиёс. Зотан, миллиятнинг эртанги кунига дастлаб оилада пойдевор қўйилади, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади. Миллий маданият, урф-одатлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар асраб-авайланади, жамият тараққиётининг иқтисодий фаровонлиги ва маданий юксалишларига асос солинади.

(Давоми 3-бетда)

Жараён

Шу йилнинг 5 декабрида мамлакатимиз Асосий Қонуни қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг тақдирномасига асосан Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Ушбу амнистия тўғрисидаги қарор ўз мазмунига кўра олижаноблик, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларига асосланган бўлиб, жиноят содир этган шахсларни жазолан ва жавобгарликдан озод қилишни ўз ичига қамраб олади.

Бағрикенглик ифодаси

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинганлигини билан билмасдан жиноят йўлига кириб қолган шахсларга Президентимиз томонидан кўрсатилган бағрикенгликнинг олий кўриниши деб тушуниш лозим. Зеро, бунинг натижасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган минглаб маҳкумлар оилалари бағрига қаттиқ, яқинлари билан дийдорлашади, миллион-миллион сўм миқдорда давлатга ундирилиши лозим бўлган жарима жазоларидан озод этилади.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат 11 банддан иборат бўлиб, унинг 1-6-бандлари жазодан ва жавобгарликдан озод қилишни, 7-банди эса ушбу қарор асосида жазодан озод қилинмайдиган маҳкумларнинг ўтالمасдан жазо муддатларини тегишлича қисқартиришни белгилайди. Қолган бандлари эса ушбу қарор қимларга нисбатан қўлланилмаслигини ҳамда унинг амал қилиш муддати ва ихро этилиши тартибини белгилайди.

Қарорнинг биринчи бандига асосан (мазкур Қарорнинг 8-бандида назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) ўта оғир ва таққиланган таъкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этмаган, биринчи марта ҳукм қилинган аёллар, қарор қонуний қучга киргунга қадар воғга етмаган ёшида (18 ёшга тўлмаган) жиноят содир этганлар, 1952 йил 6 декабрда қадар туғилган эркаклар ва Ўзбекистонда доимий яшаш учун қонуний асослари бўлмаган чет эл фуқароларининг барчаси жазодан озод этилади.

Чет эл фуқаролари Амнистия тўғрисидаги қарор асосида жазодан озод этилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли Қарориди белгиланган тартибда мамлакатдан депортация қилинади.

Қарорнинг иккинчи бандига асосан эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинади.

Қандай жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва қандай жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар деб топилиши ЖКнинг 15-моддасида аниқ кўрсатилган. Унинг учинчи бандига асосан I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек мазкур қарор қонуний қучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш ҳолидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан актив шаклдаги сил касаллигига қалинган деб топилган маҳкумлар (I ва II гуруҳ диспансер ҳисобдагилар), башарти улар жавобгарлигини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жинояти (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми) содир этмаган бўлсалар жазодан озод этилади. Шунини таъкидлаш керакики, тергов жараёнида бу шахсларга нисбатан жиноят ишлари туғатилмайдиган. Уларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш умумий тартибда амалга оширилади ва асослар бўлса, суд Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддаси 2-қисми 1-банди талабига асосан айблов ҳукми чиқариб, айбдорни асосий жазодан озод қилади.

Қарорнинг тўртинчи бандига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, содир этган жиноятининг оғирлиги даражаси ва тайинланган жазо миқдоридан қатъи назар, ўтالمас қолган жазо муддати икки йилга олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний қучга кирган, бироқ жавобгарлигини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этмаган (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми) маҳкумлар жазодан озод этилади.

Қарорнинг бешинчи бандига асосан таққиланган таъкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган ва содир этган жиноятининг оғирлиги даражаси ва тайинланган жазо миқдоридан ҳамда ёши, жинси ва фуқаролигидан қатъи назар барча шахслар жазодан озод этилади.

(Давоми 3-бетда)

Доимий эътиборда

Тадбиркорлики қўлаб-қувватлаш, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий юксалишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бугун мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишини тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг самарали меҳнатлари эъзига бозорларимиз турли-туман маҳсулотлар билан кундан-кунга бойиб бораётганига ғувоҳ бўлиб турибмиз.

Хамза туман прокуратураси томонидан жорий йилнинг 30 ноябрь куни ҳолатига 1427 нафар тадбиркор иштирокида жами 43 та учрашув ўтказилган бўлиб, уларда 52 нафар тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида 10 та ҳўжалик юритувчи субъектга 194 млн. сўм кредитлар ажратилишига эришилди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб бориш жараёнида тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳужжатларга алоҳида эътибор қаратилган. Ноконуний ҳужжатларнинг протест келтириш йўли билан қонунга мувофиқлаштириб борилиши таъминланмоқда. Жумладан, туман ҳокимиянинг тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ 2 та ноконуний қарорига протест киритилиб, қонунга мувофиқлаштирилди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан жиноят ишлари бўйича Хамза туман судининг тадбиркорлик субъектларини маъмурий жазо тайинлаш тўғрисидаги қарорлари қонунийлиги ҳар ойда ўрганиб боришмоқда. Натижада суднинг 5 та ноконуний қарорларига протест киритилди.

Шунингдек, 2000 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва маъмур йўналишдаги бошқа қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун туман прокуратурасида ташкил этилган "Ишонч телефонлари"нинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Зирғом" хусусий корхонаси раҳбари Абдурахмон Обидов "Ишонч телефонлари"га қўнғироқ қилиб, Хамза туман ДСИ ходимлари корхонанинг мурожаатларига жавоб бермаётганликларини билдириб, уларга нисбатан чора кўришни сўраган.

Аниқланишича, 2012 йилнинг 9 декабрида "Зирғом" ХК ихтиёридаги ўзини оқламаётган мулкларини сотиш учун нотариал идорага бюджет олдиди қарздорлиги мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақида маълумотнома тақдим қилиш лозимлиги учун Хамза туман ДСИга шў масалдада мурожаат қилган. Маъмур мурожаат туман ДСИ бошлигининг 1-ўринбосари томонидан белгиланган тартибда ижро ва назорат учун Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими бошлиги М.Тойчиевга юкла-

Бобир АБДУЛЛАЕВ,
Хамза туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

тилган. Гарчи, бўлим томонидан 15 декабрда "Зирғом" ХКга корхонанинг шахсий ҳисоб варақасида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдиди қарз мавжуд эмаслиги ҳақида жавоб хати тайёрланган ва ДСИ бошлигининг 1-ўринбосари ҳамда бўлим бошлиги М.Тойчиевлар томонидан имзоланган бўлса-да, М.Тойчиев ўзининг лавозим йўриқномасида кўрсатилган хизмат вази-ларини бажармаганлиги оқибатида мурожаат муаллифи ҳисобланган "Зирғом" ХКга жавоб хатининг юборилиши таъминланмаган.

Аризани текшириш якундасига кўра, "Зирғом" ХКнинг мурожаатида ўз вақтида жавоб берилишини таъминламаганлиги учун Хамза туман ДСИ бўлими бошлиги М.Тойчиевга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, унга нисбатан "хайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилган.

Туман прокуратурасининг аралашуви билан Хамза туман ДСИ томонидан "Зирғом" ХКга бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдиди қарзи мавжуд эмаслиги ҳақида жавоб хати берилиши таъминланган.

Туман прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан 1 та текшириш ўтказилди. Қонунбузилишларини бартараф қилиш тўғрисида 1 та тақдимнома киритилиб, ноконуний ҳужжатларга 2 та протест киритилди. 2 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Истиқлол йилларида халқимизнинг тинч ва фаровон турмуш кечириши учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратилди. Инсон омилли олий қадрият сифатида эътироф этилиб, бу мақсад кенг қўламли ислохотлар, ривожланишлар, бунёдкорликларнинг асл мазмун-моҳиятини ташкил қилди. Бунга жавобан ҳар биримиз юрт раънақига, халқ фаровонлигига ўз ҳиссамизни баҳолмақдурат қўшимиз керак.

Юрт раънақига барча масъул

Умидбек ХУСАНОВ,
Қўшқўпри туман прокурори

Бироқ, айрим шахслар нафсни бурч ва масъулиятдан устун қўйиб, жамият тараққиётига соя солаётган. Натижада эса давлат ва халқ манфаатларига, корхона ва ташкилотлар бюджетига жиддий зиён етмоқда.

"Қўшқўпри пилла" МЧЖ раиси лавозимда ишлаб келган Сапарбой Бойжонов жамият бош ҳисобчиси Хушнудбек Хўжамов билан тил бириктирган ҳолда, бир қатор қонунбузарликларга йўл қўйган. Жумладан, бу шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги "Сертификатлаштириш тартибларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларини қўпол равишда бузганлар. Ўрни улар 2011 йил давомида 143.882.2 минг сўмлик ва 2012 йил 1 август ҳолатига 15.357.3 минг сўмлик, жами 159.239.4 минг сўмлик мувофиқлик сертификати бўлмаган ҳар хил турдаги кийим-кечак ва маҳсулотларни жамиятга кириб қилиб, улгуржи тартибда сотишган. Яна улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йилдаги "Бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларини қўпол равишда бузиб, 52 та фермер ҳўжалигининг, жами 29.767.4 минг сўм маблағларини жамиятнинг асосий ҳисоб рақамига туширмастан, ўзaro келишиб, уч томонлама шартнома-лар тузилганлиги оқибатида, жа-

миятнинг 41.622.7 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари ҳамда 4.824.8 минг сўмлик пенялари тўланмасдан қолиб кетган.

Олиб боришдан тергов жараёнида С.Бойжонов ва Х.Хўжамо-ларнинг қилмишлари фош этилди. Суд ҳукми билан уларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

"Ғозовот дехқон бозори" МЧЖ бошқаруви раиси лавозимда ишлаб келган Давронбек Абдуллаев ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорини қўпол равишда бузган. Ўрни у 2011 йил 20 майдан 10 июлга қадар, бир марталик патта тўловлари ҳамда ижара ва хизмат кўрсатишдан тушган жами 7.390.3 сўм нақд пулларни "Ўзстандарт" агентлиги томонидан белгиланган тартибда мажбурий фойдаланиш мумкин бўлмаган назорат-касса машинасида ўтказган. Шунингдек, бозор инфратузилмасидан фойдаланганлиги учун ундиришлили лозим бўлган 16.291.419 сўм миқдордаги ойлик ижара тўловларини ундирмасдан жамият ва давлат манфаатларига катта миқдорда зарар етказган.

Бу каби далиллар тергов давомида аниқ фактлар билан мустаҳкамланди. Д.Абдуллаев суд ҳукми билан қилмишларига яраша тегишли жазосини олди.

Мўмай даромад илинжида

Мўмай даромад илинжида бозорлар атрофи ёки одамлар гавжум бўладиган жойларни валюта олин-сотан бозорига айлантириб олган айрим кимсаларнинг ўзини тадбиркордай туттини кишини ажаблантиради. Гўёки бу фаолият ҳам тадбиркорликдек. Аслида эса...

Акмал МИРЗАКАРИМОВ,
Шайхонтоҳур туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Бугун мамлакатимизда хоржий валюта қимматликларини тижорат банклари ва валюта айирбошлаш шохобчалари орқали эркин алмаштириш қонуний йўл билан тартиб-ҳисобга бўлишига қарамай, афсуски, юқорида келтирилганимиз каби кимсалар бундан ўзларининг нафслари йўлида фойдаланиб қолишга уринишмоқда.

Ана шундай валютафурушларнинг ноконуний фаолиятини аниқлаш ва бунга чек қўйиш борасида Шайхонтоҳур туман прокуратураси томонидан бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбирлар самараси ўлароқ, қонунга хилоф равишда валюта олдиди-сотдиси билан шуғулланаётганлар қўлга олинди, тегишли жавобгарликка тортилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг март ойида Аъзам Махмудов, Фуқаро Комиллов ҳамда Араббой Комиловлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг қилмиши жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судида қўриб чиқилди.

Бу кимсалар осон даромад ортириш мақсадида М.Исакوف, С.Махмудова, Н.Арипова, Т.Худойбергенов, Ф.Арипова ва бошқа фуқаролардан иборат жиноий гуруҳ ташкил қилиб, қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олиш ёки ўтказиш билан шуғулланиб келиш-

ган. Ушбу гуруҳ асосан валюта қимматликларини юртимизда фаолият олиб бораётган банкларнинг валюта айирбошлаш шохобчаларида турли фуқароларни маълум миқдордаги муқофот пули эъзига ёллаган ҳолда қўлга киритиб, сўнг "қора бозор"да юқори нархларда қимматга сотиб, фойда кўришган.

Чунинчи, ўтказилган тезкор тадбирда Ф.Комилов бошқарувидаги автомашина текширилган ва салондан валюта айирбошлаш шохобчасидан айирбошлаб олинган 4 минг АҚШ доллари борлиги аниқланган. Шунингдек, ТИФ "Миллий банки" Шайхонтоҳур филиалига қарашли шохобчадан валюта сотиб олиш учун тайёрлаб қўйилган 11 млн. 180 минг сўм пул топилди, ашёвий далил сифатида расмийлаштирилган.

Жиноий гуруҳнинг қилмишларини батафсил ўрганиб чиққан жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди томонидан уларнинг ҳар бирига қилмишига яраша тегишли жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида шунини айтмоқчимизки, бугун юртошларимиз тадбиркорлик, ишбилармонлик, бунёдкорлик руҳи билан яшамоқдалар. Бироқ, юқорида номлари келтирилган айрим кимсаларнинг ўз манфаатларини давлат ва жамият манфаатларидан устун қўйиб, турли ноконуний ишларга қўл уришадиганлигини ҳеч бир баҳона билан оқлаб бўлмайди.

Қонун яратиб берган имконият ва имтиёзлардан кенг фойдаланиб, бозорлар ва дўконлар пештахталарини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдираётган тадбиркору ишбилармонлар, фермерлардан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Бундай ҳалол тадбиркорлики давлатимиз ҳар томонлама қўлаб-қувватламоқда. Бироқ, тадбиркорлик ниқоби остида қонун талабларини бузиб, иқтисодиётимизга зарар етказётган айрим шахслар ҳам учраб турибди.

Ҳалололига не етсин!

СВОЖЖДЛКК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Миробод туман бўлими ходимлари томонидан 2012 йил 9 август куни Учтепа туманида, ўтказилган тадбирда фуқаро Д.Игамбердиев белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтишдан бўйин товлаб, қонунга хилоф равишда меҳел маҳсулотларини ишлаб чиқариш яширин цехи ташкил қилганлиги аниқланди. Текшириш натижада 58 турдаги 233 дона, умумий қиймати 2.973.100 сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Фуқаро Д.Игамбердиев сўроқ қилинганда, у цехни 2011 йил июль ойларига очганлигини ҳамда ўтган давр давомида тахминан 10-12 млн. сўм даромад кўрганлигини ва бу даромаддан оила харажатлари, асбоб-ускуналар сотиб олиш ва бошқа зарурий эҳтиёжларга ишлатганлиги маълум бўлди.

Терговолди текширувлари давомида фуқаро Д.Игамбердиев ариза билан мурожаат қилиб, ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини билдирди. Шундан сўнг у Тошкент шаҳар, Учтепа тумани давлат идораларидан тегишли тартибда рўйхатдан ўтиб, "DILSHOD MEBEL PRODUCT" оилавий

Бекзод ҚОРАБОЕВ,
СВОЖЖДЛКК Департаментининг
Миробод туман бўлими бошлиги

корхонасини ташкил қилганлигини ҳам айтиб ўтди. Шунингдек, ўзига тегишли ҳисоб чиқариб олган бу шахс Учтепа туман Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида рўйхатдан ўтиб, банкда ҳисоб рақами очиб, корхонада 3 та янги иш ўрни яратган.

Фаолиятини қонуний йўлга қўйган фуқаро Д.Игамбердиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-банди билан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилинди.

Жойларда Департамент ходимлари тадбиркорлик билан шуғулланиш истатига бўлган фуқароларга амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиш, тегишли идораларда ҳисобда туриш ва қонуний фаолият кўрсатишлари учун ҳуқуқий-амалий тавсиялар беришмоқда. Бундан мақсад, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликини ривожлантириш ҳамда халқнинг турмуш фаровонлигини оширишдир.

Бағрикентлик ифодаси

[Давоми. Бошланғичи 1-бетда]

Бирок, амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш тартиби ҳақидаги Низомида бундай тоифадаги шахсларни амнистия актига қўра жазодан озод этишнинг алоҳида қоидадан белгиланган бўлиб, бунга қўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг ҳамда жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг маҳкумининг амалда пушаймонлиги ва қатъий тузалиш йўлига ўтганини тўғрисидаги тегишли хулосалари, маҳкумининг содир этган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймонлиги тўғрисидаги ёзма аризаси ва маҳкумининг яқин қариндошлари ҳамда унинг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг кафилик хати бўлган тақдирдагина қўлланилиши мумкин.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг олтинчи бандини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 68-моддасидаги асослар бўйича, яъни шахсни жиноий жавобгарликдан озод этган ҳолда қўллашда амнистия тўғрисидаги қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятларга оид материаллар ва ишлар амнистия тўғрисидаги қарорнинг 8-бандидаги чеклашларни ҳисобга олган ҳолда туғатилиши керак.

Мазкур қарорнинг еттинчи банди "а" кичик бандига асосан ушбу қарор асосида жазодан озод қилинмайдиган қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган маҳкумларнинг ўталмай қолган жазо муддати — ундан бир қисмига; "б" кичик бандига асосан қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган маҳкумларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилади.

Амнистия тўғрисидаги ушбу қарорни жиноят содир этган шахсларга қўллашда Ўзбекистон Республикаси ЖПҚнинг ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тартибини белгилловчи 63-боби ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Судлар томонидан

амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" — ги 16-сонли қарори ҳамда мазкур амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш тартиби ҳақидаги Низомида белгиланган тартиб ва қоидаларга қаттиқ риоя қилиш лозим бўлади.

Яна шунинг эътиборига олиш лозимки, ЖПҚнинг 421-моддасида суд мажлисида жиноят ишнинг туғатилиши асослари кўрсатилган бўлиб бунга қўра, суд мажлисида ушбу кодекснинг 84-моддаси 1-қисми 2-бандида назарда тутилган ҳолатлар аниқланса, суд ишни қўришни давом эттирида ва юқоридаги асос бўйича айбдорга жазо белгиланмай айблов ҳукми чиқарилади. Айблов ҳукми чиқариш асослари эса ЖПҚнинг 463-моддасида кўрсатилган бўлиб, ушбу модданинг 2-қисми 1-бандига қўра, мазкур ҳукм билан судланувчига тайинланган жазони қўллашдан озод қилувчи амнистия акти эълон қилинган бўлса суд жазодан озод қилиб, айблов ҳукмини чиқарилади. 3-қисми 1-бандига қўра эса, маҳкум содир этган жиноят учун жазо тайинлашнинг истисно этадиган амнистия акти эълон қилинган бўлса жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқарилади.

Мазкур амнистия тўғрисидаги қарорнинг инсонпарварлик ва бағрикентлиги билан алоҳида ажралиб турадиган ва муқаддам қабул қилинган амнистия актларидан ўзининг қатталиги ва ҳажми кенглиги, бир сўз билан айтганда, олийҳимматлиги билан фарқ қиладиган жиҳати шундаки, биринчидан, мустақиллик йилларида чиқарилган амнистиялар тарихида биринчи бор ўталмасдан қолган жазо муддати икки йилу олти ойдан кўп бўлмаган маҳкумлар озодликдан маҳрум қилиш жазосидан озод этилдилар. Чунки шу пайтгача агар маҳкумининг ўталмасдан қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаса у жазодан озод этилар эди. Иккинчидан, ушбу қарорнинг 4-банди таъкидланган таъкидланган фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун дастлабки тергов босқичида турган ва ҳали судларда қўрилмаган бўлса, шу шахсларга ҳам татбиқ этилади; учинчидан, унинг

1-3-бандлари муқаддам амнистия актларига асосан жазодан озод этилганлардан кейин қасддан жиноят содир этган шахсларга ҳам қўлланилади.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг 8-банди "а" кичик бандига мувофиқ, мазкур қарор узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларга, ўта хавфли рецидивистларга, жиноий уюшма таркибида жиноят содир этганларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган ва ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган маҳкумларга; "б" кичик бандига мувофиқ, қарорнинг 1-банди ўта оғир жиноят содир этганларга; "в" кичик бандига мувофиқ, қарорнинг 1-4, 6 ва 7-бандлари таъкидланган таъкидланган фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга; "г" кичик бандига мувофиқ, қарорнинг 4, 5 ва 7-бандлари муқаддам амнистия тартибида жазодан озод бўлганлардан кейин ўзига тегишли хулоса чиқармасдан яна қасддан жиноят содир этган шахсларга татбиқ этилмайди.

Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарори талабларига қўра, мазкур қарор қабул қилинганга қадар жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан қўлланилиб, рағбатлантириш тарзида олиб ташланган ва амал қилиш муддати тугамаган икки ёки ундан ортиқ интизомий жазоси бўлган маҳкумлар, ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташдан бош торганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, ҳукмининг шартлилиги бекор қилиниб, тайинланган жазони ўташ учун юборилган, шунингдек манзил колонияларидан тегишли тартибли колонияларга ўтказилган ёки қайтарилган маҳкумлар, башарти улар ҳибсога олинган кундан бошлаб Амнистия тўғрисидаги ушбу қарор қўнуни қўнган киргунга қадар бир йилдан кам муддат ўтган бўлса ҳамда жазони ўташ, ҳукм ижроси чекланирилган ёки синов муддати давомида қасддан жиноят содир этган маҳкумлар жазони ўташ тартибини мунтазам бузаётган шахслар деб топилади ва улар-

М.ЭРМАТОВ,

Жиззах вилоят прокурори ўринбосари

га татбиқ этилмайди.

Аммо судлар томонидан Жиноят кодексининг 60-моддаси қўлланилган шахсларга нисбатан мазкур амнистия озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ даврида қасддан жиноят содир этган шахслардан бошқа маҳкумларга, башарти ҳукм қўнган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ муддат ўтган бўлсагина қўлланилиши мумкин.

Амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш тартибини белгилловчи Низоми талабларидан келиб чиққан ҳолда амнистия актини қўллашда жамоатчилик назорати ва очик-ошкораликни таъминлаш ва мазкур акти ноқонуний қўллаш ёки уни қўллашнинг рад қилишда рўй бериши мумкин бўлган турли суиистеъмоликларни, энг асосийси, амнистияга асосан жазодан озод бўлган шахслар билан олиб борилаётган ишлар ахлоқини мониторинг қилиш, жазодан озод қилинган шахслар тўлиқ ҳисобга олинишини ва уларнинг ҳаётга мослашувларини таъминлаш ҳамда ишга жойлаштириш мақсадида тегишли ҳокимликларнинг қарорига асосан сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари депутатлари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ҳудудий вакилларида иборат ишчи гуруҳи ва ҳудудий комиссиялар тузилади.

Чунки ушбу жамоатчилик ишчи гуруҳлари жойлардаги маъжуд жазони ижро этиш муассасаларига бориш, у ердаги маҳкумлар билан суҳбатлар ўтказиш ҳамда уларнинг шахсий йиғма жилдлари билан танишиш, суриштирув ва дастлабки тергов органлари юртимиздаги материаллар ва жиноят ишлари билан танишиш, амнистия актини қўллашга оид материалларни ўрганишда ва қўриб чиқишда бевосита иштирок этиш ва амнистияга асосан жазодан озод бўлган шахслар билан олиб борилаётган ишлар ахлоқини мониторинг қилиш ваколатига эга. Ушбу жамоатчилик гуруҳларига ишлаш учун барча шароитлар яратиб берилиши жойлардаги прокурорлар зиммасига ўтас

вазифа сифатида юклатилди.

Бундан ташқари, амнистия тўғрисидаги қарорнинг ҳар бир маҳкумга нисбатан алоҳида, оғишмай ва ҳолисона қўлланилиши ҳамда қонунийлик бузилишининг олдини олиш устидан назорати амалга ошириш мақсадида вилоят прокуратураси ҳузурида вилоят прокурори, МХХ ва ички ишлар бошқармалари раҳбарларининг қўшма Фармойишга асосан ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар раҳбарларидан иборат тезкор гуруҳ тузилган бўлиб, улар ўз иш фаолиятини бошлаб юборган.

Низомида амнистия тўғрисидаги қарорнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат Бош прокуроринишга юклатилганлиги боис, жойлардаги прокурорлар жазодан озод этилган шахсларни бутун жамоатчилик томонидан маҳаллага қабул қилини, уларнинг ҳаётга қайта мослашувига имконият яратилиши устидан қаттиқ прокурорлик назорати ўрнатишлари зарур. Амнистия қарорига асосан туғатилган жиноят ишлари бўйича жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни ундириш ушбу жабрланувчининг ўзи ёки прокурорларнинг фуқаролик ишлари бўйича судларга киритадиган даъво аризаларига асосан амалга оширилади.

Жойлардаги ҳокимликлар, ички ишлар идоралари, солиқнинг сақлаш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амнистия акти асосида барча жазодан озод этилган шахсларнинг тўлиқ ҳисобга олинишини ҳамда ўзини тиклаб олиш учун бериладиган нафақа пулларининг тўлиқлигини таъминлаш, уларни ишга жойлаштириш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни но-пиронлар ва қариялар уйига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига ва бундан ташқари, жазодан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший ва ишга жойлаштириш, илгари судланган шахслар томонидан қайта ва такорон ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини қўришлари лозим.

Бир сўз билан айтганда, барча жазодан озод этилганларнинг сиҳат-саломатлиги, уларни ишга жойлаштириш ва ҳаётга мослашуви тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатишимиз зарур бўлади.

[Давоми. Бошланғичи 1-бетда]

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида жорий йилнинг 7 декабрь куни Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги марузасида 2013 йилни "Обод турмуш йили" дея номлаши қўрилиш, бунёдкорлик ва ободончилик ишларининг янада жадаллашишига улкан ҳисса қўшилиш исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Янги йилнинг бундай номлангани юртдошларимизни беҳад қувонтириб юборди.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов "Обод анжуманда 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" дея номлашига "Шуни таъкидлаш керакки, обод деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушунамиз. Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат қўрқам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва оқсоқиллик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, фойда-баракка ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади", дея изох берди.

Эзгу ниятли бағрикент халқимиз. Кириб келаётган Янги йил айёми

Кўнгилдан бошланар ободлик...

хушудлик ва кўтаринки кайфиятда кутиб олмоқдамиз. Бундай пайтда одамнинг кўнгилдан гўбур кўтарилади. Қадим-қадим замонлардан бери халқимиз янги йилни шундай ҳис-туйғулар билан, худди келин тушираётгандек орзу-хаваслар билан кутиб олган. Ота-боболаримиз янги йилга тозалик, покизалик, яхши орзу-ниятлар билан пешвоз чиқишган. Пок, тоза жойга фаришталар келади, кир-чир, хунук жойларни шайтон ўзига макон қилади, деб ҳисоблашган.

Орта қолаётган йил ютуқлар, қувонилар, фахрлинишга арзийдиган воқеалар ва ҳодисаларга бўй бўлди. Энг муҳими, бугун барча юртдошларимиз дилида шукроналик, эртанги кунга ишонч ҳисси муҷассам. Мамлакатимизда нишонланадиган байрам тантаналар ўзгача, бетакор, шоду хуррамлик оғушида ўтаётганлигининг боиси ҳам шунда, аслида.

Қарши шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам, таъбир жоиз бўлса, улуг боболардан мерос анъаналарнинг муносиб даражадаги

давоми десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз. Демак, азалий қадриятларимиз қайта тикланиб, буюк бобокалонимизнинг муборак пойқадами етган юрт обод бўлаётганлигидан улуг ажодларимизнинг руҳлари шод бўлмоқда ва Қарши шаҳри чин маънода саодат ва иқбол масканига айланаётёр.

Қисқа вақтда бундай ютуқларга эришганимизнинг биринчи ва бош сабаби истиқлол йилларида мамлакатимизда тинчлик ва оқсоқиллик ҳукм сураётганлигидир. Тинчлик эса, биринчи қалда, ички тотувликдан бошланади. Ўзимиз тотув бўлсак, четдагилардан ўпкалашга ҳоҳат қолмайди. Олий ҳақиқат шунки, тинчлик — энг олий неъмат. Оқсоқилликсиз фаровонликка ҳам, тараққиётга ҳам эришиб бўлмайди. Тинчликнинг шарофати билан ҳар қадамда, ҳар нафасда ўзингизни эркин ҳис этасиз.

Тинч, оқсоқил, осмонни мусофо бу мамлакатга келиб-кетувчилар йилдан-йилга кўпаймоқда. Бир пайтлар буюк Амир Темур "Қудратимизга шубҳа қилсангиз биз қурдирган иморат-

ларга боқинг", дея ўзининг мустақкам салтанатига ишора қилган эди. Бугунги Ўзбекистон ҳам буюк бобомизга хос бунёдкорлик ишларини амалга ошириб улгурди. Мустақиллигимизнинг 21 йили давомида юртимизда қад ростлаган замонавий, қўрқам билан, муҳташам иморатлар, ҳашаматли саройлар обод шаҳарлару фойзал қишлоқларимизнинг чиройини янада очиб юборди. "Обод турмуш йили" да улар тароватда янада ўзгачалик касб этиши, шубҳасиз.

Халқимизнинг яхши бир фазилати бор: биз доимо хавас қилиб яшашига ўрганганмиз. Шунинг учун ҳам йилмиш очик, толейимиз порлоқ, эртанги нурафшон. Қўлимизни қаерга узатсак етади. Яхши ниятларимиз ҳамша ижобат бўлади. Юртимиз тинч, осмонни мусофо. Бунёдкор халқимиз яратувчанлик ишлари билан машғул. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Келажакка катта ишонч, умид билан бораёпти. Шундай экан, турмушимиз обод ва янада фаровон, юртимиз тинч бўлади.

Дон — ризқ-рўзимиз, фаровонлигимиз гарови

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз

Ислом Каримов қишлоқ ҳўжалигининг юртимиз бутуни ва келажигида тутган ўрнини юқори баҳолаб, иқтисодий жиҳатдан ривожланиш ва халқимиз турмуш даражасини юксалтириш айна ағрар соҳага амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти билан боғлиқлигини таъкиллаган эди. Ислохотлар самараси сифатида ўтган йиллар давомида сезиларли ўзгаришлар юз берди, соҳага доир қонунчилик тизими шаклланиб, такомиллашиб бораётти. Бу жараён прокуратура органлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклатмоқда.

Халқимиз азалдан донни ризқ-рўз сифатида эъзозлаб келган. Чунки, дон бу нон демакдир. У шунчаки дастурхонимиз беэзаги эмас, балки тириклик, ҳаёт манбаидир.

Прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 октябрдаги "2013 йил ҳосили учун қузғи бошоқли дон экишларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашга қаратилган назорат тадбирлари амалга оширилганда, қуйидаги ҳолатлар маълум бўлди.

Жумладан, қарорнинг 3-бандида қузғи бошоқли дон экинлари экиш сугориладиган ерларда 2012 йилнинг 25 октябрга, лалми ерларда эса 15 ноябрга тағуланиши белгиланган бўлса-да, бошоқли дон экишни уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича етарли чора-тадбирлар қўрилмаган. Ерлар ўз вақтида тайёрланмаганили, техникалар шай ҳолатга келтирилмай, уруғлик ва бошқа ресурслар ўз вақтида етказиб берилмаганили сабабли қарорда белгиланган муддатда сугориладиган ерларда

бошоқли дон экиш Сурхондарё вилоятида 97,8 фоизни, Андижонда 98,8, Бухорода 99,1 ва Наманганда эса 99,6 фоизни ташкил қилган. Жорий йилнинг 15 ноябрь ҳолатига лалми ерларда бошоқли дон экиш Тошкентда 17,4 фоизни, Қашқадарёда 37,7, Самарқандда 41,3, Жиззахда 43,1 ва Сурхондарёда 43,4 фоизни ташкил қилган.

Шунингдек, жойларда уруғлик донни талон-торож қилиш ёки муддатида етказиб берилмаслик ҳолатларининг мавжудлиги ҳам аниқланди. Хусусан, "Шахрисабз дон халқ ризқи" акциядорлик жамияти мансабдор шахслари Чироқчи туманидаги тугатилган "Замон", "Холикул бобо Рўзимуродов" ва "Қорабоев Худойқул" фермер ҳўжалиқларида 51 тонна уруғлик бугдойни ноконуний чиқим қилиб, талон-торож қилганликлари учун жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

"Намангандонмахсулотлари" акциядорлик жамиятига қарашли Мингбулоқ дон қабул қилиш маскани мудири А.Нишонов эса "Нигора Матмуродова", "Фуркат Мукаддас", "Расулбек диёри", "Сандал дурдонаси" ва "Хамдамбой" фермер ҳўжалиқларига уруғлик донни муддати-

да етказиб берилмаганили оқибатида 64 гектар майдонга галла экилмасдан қолганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиб, уруғлик доннинг етказиб берилиши таъминланди.

Тўрақўрғон туманидаги "Рухона Абдуллаева", "Ертикон садоси" ва "Имомназар" фермер ҳўжалиқларига "Намангандонмахсулотлари" акциядорлик жамияти томонидан белгиланган муддатда уруғлик етказиб берилмаганили оқибатида ушбу ҳўжалиқларда галла экиш ишлари муддатида яқунланмасдан, пировардида 3,3 млн. сўмлик зарар етказилганлиги аниқланиб, ундириш юзасидан судга даъво аризаси киритилди.

Мониторингларда 2 минг 181 та фермер ҳўжалиқлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари томонидан галла экилиши режалаштирилган 16.081 гектарга галла экилмаганили аниқланди. Режадан кам галла экилишига асосан, Навоий, Сурхондарё, Тошкент, Жиззах, Фарғона, Наманган, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида йўл қўйилган.

Жумладан, Нишон туманидаги "Талимархон" фермер ҳўжалигида галла экилиши лозим бўлган 5 гектар майдонга пиёз экилганлиги учун ҳўжалик раҳбари Д.Хўжаёровнинг маъмурий жавобгарлик масаласи хал қилиниб, галла экилиши таъминланган бўлса, Янгиариқ туманидаги "Авазмат бобо" фермер ҳўжалиги раҳбари Ф.Рўзметов томонидан контрактация шартномасига нисбатан 3,3 гектар, "Раҳимов Собир" фермер ҳўжалиги раҳбари С.Раҳимов

А.ЭРКАЕВ,

Бош прокуратура бўлими катта прокурори

томонидан 2,6 гектар кам майдонга галла экилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, Денов туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи И.Саидхонмедов галла экилган 1.556 гектар, Булуғур туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи М.Ачилов 1.350 гектар майдонни тезкор ҳисоботларга қўшиб ёзиб, сохта сертификат расмийлаштиргани учун уларга нисбатан маъмурий жазо қўйилди. Шу билан бирга, Жиззахда 1.384 гектар, Сурхондарёда 988, Фарғонада 857, Хоразмда 281, Навоийда 125 ва Қорақалпоғистон Республикасида 521 гектарга галла сифатсиз экилган.

Хусусан, Бешариқ туманидаги "Хуснида Жўраева", "Сарваржон Абдуллаев", "Абдужалилова Паризода" ва "Азимбой Насриддинов" фермер ҳўжалиқларида 24 гектар майдонга галла сифатсиз экилганлиги учун фермер ҳўжалиқлари раҳбарлари ҳамда туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи А.Турдиев маъмурий жазога тортилди.

Бундан ташқари, Марҳамат туманидаги "Фарход" номли ва бошқа 8 та фермер ҳўжалиқлари томонидан 153 гектар майдонга минерал ўғитсиз галла экилганлиги ҳолати юзасидан туман ҳокими номига қўнубузилишини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди.

Галла парвариши агротех-

ник тадбирларининг сифатли ва муддатида амалга оширилмаганили оқибатида 20.003 гектар майдонда галла сийрак униб чиқиб, 171.688 гектарда эса умуман униб чиқмаган. Масалан, Ўйчи туманидаги "Ровот бўстони нури" фермер ҳўжалигининг 7,5 гектар галла майдонига "Кизилровот Ирригатор" сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан сув етказиб берилмаганили оқибатида галла униб чиқмасдан, ҳўжаликка 1,5 млн. сўмлик моддий зарар етказилган.

Шу каби, Янгиқўрғон туманидаги 6 та фермер ҳўжалиқларининг 245 гектар галла майдонига сув етказиб берилмаганили оқибатида ҳўжалиқларга 7,7 млн. сўм моддий зарар етказилганлиги аниқланиб, ушбу зарарларни сув истеъмолчилари уюшмаларидан ундириш юзасидан судга даъво аризалари киритилди.

Шунингдек, 2013 йил ҳосили учун галла экиш ва парваришларининг агротехник тадбирларини муддатида ва сифатли бажарилишини ташкил қилмаганлиги учун Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Тошкент вилояти ҳокимларининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, Қамаш, Муборак, Охангарон, Қуйи Чирчиқ, Шўрчи, Шеробод, Қизирчиқ, Қумқўрғон, Дўстлик, Зафаробод, Жиззах ва Косонсой туман ҳокимлари суднинг қарорларига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Мазкур қарор ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида, қонунга зид бўлган ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан 5 та протест келтирилди. Аниқланган қўнубузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 163 та тақдимнома киритилди. 2 минг 538 нафар шахс қўнубузилишига йўл қўймаслик хусусида оғохлантирилиб, 1 минг 152 нафари интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Судларга 278,5 млн. сўмлик 61 та даъво аризалари киритилди. Қўпол қўнубузилиш ҳолатлари юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилди.

Барака — тотувлик риштаси

Оқсоқоллар аюга қўл очиб, дастурхонимиздан, рўзгоримиздан барака, тотувлик кўтарилмасин, дея эзгу тилакларини изҳор қилишади. Дарҳақиқат, оиладаги тотувлик кўп жиҳатдан рўзгорнинг тўқислигига боғлиқ. Рўзгорнинг тўқислиги эса ўз навбатида оила аъзолари меҳнатининг маҳсулидир. Юртимизда меҳнат ва бандлик муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорликни, кичик бизнесни ривожлантириш орқали минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. "Мустаҳкам оила йили"да ҳам бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Оилавий бизнес тўғрисида қабул қилинган қонун фуқаролар дилларига тўғиб юрган ишларини бошлашлари учун кенг йўл очиб берди.

Бешариқ туманида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган режалар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда. Жумладан, "Еш тадбиркор" консалтинг маркази томонидан ёш оилалар билан тадбиркорлик фаолиятини молилаштириш, микрокредитлар тақдим этиш бораида семинар-тренинглар ташкил этилди. Касб-хунар коллежларининг битирувчилари ўртасида "Менинг бизнес ғоям" лойиҳаси доирасида ўтказилган танловда 15 нафар йигит-қиз имтиёзли кредит олиш учун тавсияномаларни қўлга киритдилар. Ўз ишини бошлаётган ёш оилаларни рағбатлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 120 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Туман прокуратураси томонидан вояга етмаганлар, соғлиқни сақлаш,

таълим, ижтимоий ҳимоя, меҳнат ва бандлик борасидаги қўнуччилик ижроси таҳлил этиб борилмоқда. Қўнубузарлик ҳолатларини бартараф этиш билан бирга, унинг олдини олиш борасида алоқадор идора ва шахсларнинг масъулиятини кучайтиришга қаратилган прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда.

Айниқса, битирувчи ёшларни иш билан таъминлаш долзарб масалалардан бўлиб қолганлиги боис, бу борадаги қўнуччилик ижроси мониторинг тарзида ўрганиб борилмоқда.

Хусусан, тумандаги Тиббиёт коллежини 2011-2012 йилда битирганлар нима билан машғуллиги атрофида таҳлил қилинди. Маълумотларга кўра, 331 нафар битирувчидан 268 нафари иш билан таъминланган. Бироқ, айрим ҳолатларда баъзи маълумотномалар ҳақиқатдан йироқ бўлиб қичди. Мисол учун, Қашқар қишлоқ врачлик пункти фелдшерлари Р.Йўлчиев,

Ш.Умаралиев ҳамда ҳамшира Д.Тожи-матоваларнинг ишга қабул қилинган ҳақида буйруқ чиқарилмагани-ю, аслида ишламаётганликлари аниқланиб, текшириш жараёнида улар ишга жойлаштирилди. Шунингдек, расман ишга олинса-да, аслида ишсиз юрган Ш.Ибрагимовани Капаянги қишлоқ врачлик пунктига, Д.Бобоева, О.Махсумалиев, Ш.Фирхонидинова ва Ш.Эгамбердиеваларнинг эса туман Тиббиёт бирлашмасига ишга жойлаштирилиши таъминланди.

Тумандаги Агроиқтисодиёт касб-хунар коллежи битирувчилари ишга жойлаштирилгани тўғрисидаги маълумотларда ҳам қўзғўямачиликка йўл қўйилган экан. Коллеждан тақдим этилган маълумотга кўра, З.Собиржонов 2012 йил 7 июль кунги буйруққа асосан, "Мадинабону Рўзиева" фермер ҳўжалигига ишга олинган. Аслида эса ушбу ҳўжалик туман ҳокимининг 2010 йил 3 декабрь кунги қарори асосида ўз фаолиятини тугатган. Фаолият кўрсатмаётган ҳўжаликка ишга олинган битирувчиға меҳнат дафтарчаси ҳам очилган, сохта маълумотлар киритилиб, муҳр билан тасдиқланган ҳам.

Қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштиришда ҳам шунга ўхшаш ҳолатни қузатиш мумкин. Туман ҳокимининг 2010 йил 3 декабрь кунги қарори асосида

Шамсиддин ТУРДАЛИЕВ,
Бешариқ туман прокурори

туғатилган "Дўстлик" фермер ҳўжалигига коллеж битирувчилари Д.Назаров, Ў.Эгамбердиев ҳамда А.Ориб-жоновлар ишга жойлаштирилгани ҳақида сохта буйруқлар чиқарилиб, сохта меҳнат дафтарчалари юргизилган ва юқори ташкилотларга "ишлар беш", дея "рапорт" берилган.

Туман прокуратураси томонидан аниқланган ҳолатларга нисбатан жиноят иши қўзғатишгача бўлган таъсир чоралари қўлланилди.

Шунингдек, бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳам ўтказиб келинмоқда. Туман прокуратураси, туман ҳокимлиги, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, "Камолот" ЕИХ, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 35 та қорхона ва ташкилот 552 та бўш иш ўринлари билан қатнашиб, 25 нафар фуқаро, шу жумладан, битирувчи ёшлар ўзларига мақбул ишга жойлашиш имкониятидан фойдаландилар. 101 нафар фуқарога меҳнат қўнуччилиги бораида ҳўқуқий маслаҳатлар берилди. Ўз бизнесини ташкил этиш ниятидаги 11 нафар битирувчиға тижорат банклари томонидан махсус сертификатлар тақдим этилди.

Ҳуқуқий ислохотлар ва обод турмуш

Республикаимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ халқнинг турмуш тарзини яхшилаш, инсон қадр-қимматини ошириш, уларнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун барча имкониятларни яратиш борасида изчил ва кенг қамровли ҳуқуқий ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Юртимизда ҳар бир йилга ном берилиб, унга мувофиқ, Давлат дастурларининг қабул қилиниши ҳам фуқароларимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишларнинг давомидир. Айниқса, бу жараёнда оила ва жамият алоҳида эътиборга олинаётганлиги бежиз эмас.



Матлуба АМИНЖОНОВА,
Бош прокуратуранинг
ОЎҚ кафедраси бошлиғи, ю.ф.н.

Жумладан, Юртбошимиз 2012 йилни "Мустақкам оила йили" деб эълон қилар экан, оиланинг жамият тараққиётида тутган ўрни ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: "Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлиши оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини, деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият муҳассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустақкам, жамият мустақкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳолати йўқ".

"Мустақкам оила йили" Давлат дастурида йилга доир бир қатор вазифалар белгиланган. Бу ҳужжат юртимиздаги оилаларга эътиборни янада кучайтиришга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилганлиги билан бекиб аҳамиятга эга бўлди. Яъни мазкур йилда обод турмуш учун ўзига хос пойдевор қўйилди, десак муболага бўлмайди.

Президентимиз Ислам Каримов 2013 йилни "Обод турмуш йили" деб эълон қилар экан, "Биз 2013 йилга шундай ном берамиз эканми, ана шу йўналишда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, уларни янги, юксак босқичга кўтаришнинг асосий мақсад деб биламиз", деган фикрни билдирилди.

Шунингдек, "Обод турмуш йили" Давлат дастурини тайёрлашда ҳам аҳоли фаровонлиги, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ҳал қилиш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ мазилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш каби вазифалар эътиборда бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

2012 йил 5-6 декабрь кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида 2013 йилда иш ўрин-

лари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг маъқулланиши юқорида белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг муҳим пойдевори бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь кундаги қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" деб номланган маърузасида мамлакатимизда 6 та йўналиш бўйича кенг қамровли ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш вазифаси белгиланган эди. Бугунги кунда концепцияда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастури бўйича мамлакатимиз парламенти томонидан 12 та қонун қабул қилинганлиги, 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси эса кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий эксперт ташкилотларни жалб этган ҳолда қўриб чиқиш ва муҳокама этиш босқичида турганлиги ҳуқуқий ислохотлар жараёнида халқимизнинг обод турмуши учун олдиндан замин яратилаётганлигидан далолат беради.

Айниқса, иқтисодий соҳада тадбиркорликка кенг йўл очиб, уларнинг фаолият юритишларида ҳалал бераётган ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш, ҳусусий мулк ҳуқуқини ҳимоялашни янада кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилди. Яъни бу йил қабул қилинган "Ҳусусий мулкнинг ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида мулк эгасининг ҳуқуқи устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги ҳал қилувчи принцип мустақамлаб қўйилганлиги, фуқаролар ва давлат органлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилиши Юртбошимизнинг маърузасида ҳам қайд этиб ўтилди.

Ҳозирги вақтда янги таҳрирда амал қилинаётган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунлар тадбиркорлиқни янада қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, аҳолининг обод турмуш кечирishi таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Айни вақтда ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам тадбиркорлик фаолиятининг ўрни жуда салмоқлидир. Шунинг учун республикамизнинг бош сиёсати дастлабки йиллардаёқ тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳамда уларга эркин фаолият юритишлари учун шарт-шароит яратиш беришга қаратилган эди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда ҳусусий мулкнинг ҳимоя қилиниши ва ҳусусий мулкдорлар ҳуқуқлари янада кафолатлинишига алоҳида аҳамият қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасига кўра ҳар бир шахс чекланмаган микдорда мулкдор бўлиш ва ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мамлакатимиз Асосий Қонунининг 53-моддасига мувофиқ, ҳусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Ҳусусий мулкка нисбатан белгиланган "дахлсизлик" ва давлат ҳимоясида бўлишлик ҳусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш чоралари орасида ўзига хос ўринга эга. Биринчи навбатда "дахлсизлик" деганда, шахснинг ўзига ёки муайян ҳуқуқларига нисбатан қонунга зид бўлган ҳатти-ҳаракатлар билан у ёки бу даражада таъсир ўтказишни таъқиқловчи қонуний чоралар мажмуи назарда тутилди. Иккинчидан, "дахлсизлик" — ҳуқуқ субъектига тегишли ва унинг ваколатлари остида ҳамда ҳўжалик ҳўкмронлиги-

даги объектнинг ҳар қандай ҳуқуқбузарликлардан холи бўлиши қонун билан таъминланганлигини ҳам аниқлатади. Конституциянинг 53-моддасига кўра ҳусусий мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқларнинг бузилиши ва у билан боғлиқ манфаатларга путур етказилишининг таъқиқланиши ҳамда ҳусусий мулк ҳуқуқи у кимга тегишли бўлишидан қатъи назар, фақатгина қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина бекор қилинишини ифода қилади. Шу сабабли, "Ҳусусий мулкнинг ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги концепцияда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ҳусусий мулкнинг ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни 2012 йил 25 сентябрдан қучга кириб, ушбу қонуннинг 7-моддасида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги белгиланган бўлиб, ушбу мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлик принципини амал қилиниши, унга мувофиқ, қонун ҳужжатларидаги ҳусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиغان зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилиши назарда тутилди.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, ҳусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатловчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш тадбиркорларда мулкдорлик туйғусини мустақамлаб, уларнинг ўз бизнесини ишонч билан янада ривожлантиришга, бу билан эса мамлакат иқтисодиётининг юксалишига, халқ фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

2012 йил 21 декабрь куни эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонуни

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади, десак муболага бўлмайди. Ушбу қонуннинг қабул қилинишидан асосий мақсад, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлашдан иборат эди.

Мазкур қонуннинг 9-моддасига кўра, эндиликда фуқаролар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир ҳужжатларни тўплашдаги сансалорликдан холи бўлиши кафолатланди. Яъни ушбу моддада рухсат этиш ҳусусиятига эга ҳужжатларнинг "бир дарча" орқали берилиши кафолатланиб, унга кўра, ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат этиш ҳусусиятига эга ҳужжатни бериш унинг бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш ҳусусиятига эга ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда, бундай ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда "бир дарча" орқали амалга оширилади. Бунда ваколатли орган мазкур ҳужжатларни тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз мустақил олади. Бундан кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектларига фаолиятларини бошлашга доир тақдир этиладиган айрим ҳужжатларни рухсат берувчи ваколатли органнинг ўзи томонидан талаб қилиб олиниши уларни ортиқча сансалорликдан халос этади. Шунингдек, ушбу қонун талабига кўра, рухсат этиш ҳусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талаблар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча ваколатли органлар ва тадбиркорлик субъектларига нисбатан ягоналиги белгиланди. Бу эса, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритмоқчи бўлган барча тадбиркорлик субъектларига ушбу қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари, бошқа ҳужжатларни талаб этишни таъқиқлайди. Қонунда тадбиркорлик субъектини ташкил этишга доир тақдир этиладиган ҳужжатларнинг аниқ рўйхати белгиланганлиги боис, рухсат берувчи органлар томонидан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳамда асоссиз равишда рухсат берувчи ҳужжатни тақдим этмаслик ҳолатларининг олди олинди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда юртимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган изчил ва кенг қамровли ҳуқуқий ислохотлар халқнинг обод ва фаровон турмуши кафолатидир.

Фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилишда сугурталовчиларга қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номи маърузасида таъкидланганидек, биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асо ҳуқуқ қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизimini яратишимиз зарур.

Шубҳасиз, ана шундай кафолатлар тизимиде сугурта хизматлари ҳам алоҳида ўрин тутadi. Зеро, сугурта хизмати орқали хусусий мулкнинг шикастланиши натижасида вужудга келган зарарларнинг ўрни қопланиши кафолатланади ва шу орқали мулкдорнинг хусусий мулкка нисбатан ҳуқуқлари ҳимоя этилади.

Сугурталовчи сугурта ҳуқуқий муносабатларида асосий ўринни эгаллайди, chunki унинг ҳаракаatlari сугурта ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келишига сабаб бўлган асосий мақсад — шартномада белгиланган, шартномадан ташқари сугурта мажбуриятида эса қонунда белгиланган ҳодиса рўй берганда белгиланган миқдордаги муайян суммани тўлашга эришилади.

Сугурталовчи тегишли фаолият тури учун рухсатномага эга бўлган юридик шахс ҳисобланади. Сугурта ташкилотларига қўйиладиган талаблар, лицензия олиш тартиби ва уларнинг фаолияти устидан назорат олиб бориш тартиби тегишли қонун ҳужжатлари билан амалга оширилади.

Маълумки, сугурта фаолияти талбиркорлик фаолиятининг бир тури ҳисобланади. Шу сабабли, сугурталовчи бўлиб фақат асосий мақсади фойда олишга қаратилган тижорат ташкилотлари эътироф этилади. Бугунги кундаги сугурта муносабатлари ва сугурта хизмати бозорларида фаолият олиб бораётган сугурталовчиларнинг аксарияти акциядорлик жамиятлари кўринишида фаолият олиб бормoқда.

Амалдаги қонун ҳужжатларида сугурталовчи сифатида фаолият олиб борадиган

ташкилотларга нисбатан бир қатор талаблар белгиланган. Биринчидан, сугурталовчи бўлиб, фақат сугурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган юридик шахслар ҳисобланади. Бу ҳолат, аввало, сугурталовчининг таъсис ҳужжатларида, унинг уставда акс этиши лoзим. Бундай қоида биринчи навбатда тижорат ташкилотларига тегишлидир.

Иккинчидан, "Сугурта фаолияти тўғрисида" ги Қонуннинг 6-моддасига кўра сугурталовчи сифатида фаолият олиб бориш учун тегишли лицензияга эга бўлиш талаб этилади. Бунда олддаги муайян фаолият тури билан шуғулланишга оид бўлган лицензия эмас, балки сугуртанинг муайян тури кўрсатилган лицензия олиш талаб этилади. Шунингдек, қонуннинг 15-моддасига кўра, сугурталовчилар ва сугурта брокерларининг сугурта фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи берадиган лицензиялар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли "Сугурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори билан тасдиқланган "Сугурталовчилар ва сугурта брокерларининг сугурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида" ги Низомда сугурталовчилар учун умумий талаблар белгиланган.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли Қарорига 5-илова сифатида мазкур Низомга транспорт восита-

ри эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш билан боғлиқ ўзгаришлар киритиш назарда тутилadi. Низомнинг 6-бандига асосан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилувчи сугурталовчилар учун Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мажбурий сугурта шартномаларини тузиш, жабранувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси)нинг сугурта тўловлари тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ва сугурта тўловларини амалга ошириш ваколати берилган ўз филиалларига ва бошқа алоҳида бўлимларига эга бўлишлари лoзимлиги ҳамда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилувчи сугурталовчилар учун эса сугурталовчининг Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича тўловлари кафолатлаш жамғармаси билан унга аъзолик тўғрисидаги ёзма битимининг мавжуд бўлиши қўшимча талаблар сифатида қўйилган.

Низомнинг 9-банди "а" кичик банди бўйича сугурталовчининг Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан унга аъзолик тўғрисидаги ёзма битимининг нотариал тасдиқланган нусхаси бўлиши керак.

Низомга мувофиқ, лицензия олиш учун лицензия талабкори лицензияловчи органга сугурталовчи маълум ҳужжатларни тақдим этади.

Учинчидан, "Сугурта фаолияти тўғрисида" ги Қонунга биноан, сугурталовчилар сугуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган талбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Сугурталовчиларга қўйиладиган бундай чеклаш биринчи навбатда сугурталовчиларнинг манфаатларидан келиб чиқadi. Chunki, сугурталовчининг талбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланиши натижасида юзага келган жавобгарлигини қоплашда ундирув унинг мол-мулкига қаратилиши оқибати сугур-

А.ЭРГАШЕВ,
Бош прокуратуранинг ОЎК ўқитувчиси

таланувчиларининг мулккий манфаатларига путур етadi.

Тўртинчидан, сугуртанинг жамият манфаатлари ва унинг алоҳида аъзоларининг мулккий манфаатларини таъминлашдаги вазифасидан келиб чиқиб, давлат сугурта ташкилотлари фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган чораларни кўради.

"Транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида" ги Қонуннинг 14-моддасига кўра, мажбурий сугуртани амалга ошириш учун сугурталовчи ўзига махсус ваколатли давлат органи томонидан берилган мажбурий сугурта бўйича сугурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши керак.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эгаллаб турган биноларда ва ҳудудларда мажбурий сугурта шартномалари тузишга ҳамда мажбурий сугурта бўйича муайян сугурталовчининг хизматлари рекламасини joyлаштиришга йўл қўйилмайди.

Сугурталовчи сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши, сугурта фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ таъминлаши, ўзи ваколат берган сугурта агентларининг реестрини юритиши, қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига биноан тақдим этиши, сугурта ҳодисаси юз берган тақдирда, қонун ҳужжатларида ёки сугурта (қайта сугурта қилиш) шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириши ва сугурта то-вони тўлаши, махсус ваколатли давлат органи белгиланган шаклда, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиши каби мажбуриятлари мавжуд.

Корхона мулк ҳуқуқининг объекти сифатида

Мамлакатда талбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва шакллантириш жараёнида фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқларини таъминлаш масалалари ўзига хос ўрин тутadi. Бугунги кунда талбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишида мулк ҳуқуқ объекти ҳисобланган корхоналар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Фуқаролик қонунчилигига кўра, бутун корхона мулккий комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади. Бутун корхона ёки унинг қисми олиш-сотиш, гаровга қўйиш, ижара ҳамда ашёвий ҳуқуқларни белгилаш, ўзгариштириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бошқа битимларнинг объекти бўлиши мумкинлиги назарда тутилган.

Талбиркорлик фаолиятини амалга оширишда корхоналар мулккий комплекс сифатида асосан унинг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган моддий ва номоддий мулк турларига бўлинади. Ер уястаклари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хомашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек, корхона, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматлари акс эттирувчи хусусий ашёларига (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) эга бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мулук ҳуқуқлар кирadi.

Шунингдек, ҳозирда мамлакатимизда корхоналар фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришмоқ-

да. Жумладан, 2003 йилнинг 11 декабрида Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхона тўғрисида" ги Қонуни қабул қилиниб, унга кўра, хусусий корхона — мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона ҳисобланади. Хусусий корхона талбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулдий ҳуқуқларга эга бўлиши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулкки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан субсидиялар жавобгарлиқни юзага келтиради.

Мазкур қонуннинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида яқка ўзи бошқаради. Хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни тасаруф этади, шартномалар, шу жумладан, меҳнат шартнома-

лари тузади, ишончномалар беради, ишлатилган тасдиқлайди, корхонанинг бўла ҳолимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқарди ва кўрсатмалар беради.

Жамият ва давлат ривожини учун оиланинг мавқеини ошириш айнасида, давлат ва жамият ишларини бошқаришда улар иштирокчилик фаолиятини кучайтириш кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга ёрдам беради. Фуқаролик жамиятини оила бўлиниши тасаввур этиб бўлмайди. Ўз навбатида оила ҳам фаровон жамият ва давлатда яшайдиган манфаатдордир. Шу боис, бундай манфаатдорлиқнинг асосий негизи мулкчилик ва иқтисодий муносабатларга узвий боғлиқдир. Жамиятнинг иқтисодий негизларида меҳнат қилиш, талбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинлигининг аҳамияти катта эканлигини назарда тутсақ, оилавий талбиркорлиқни ривожлантирмасдан туриб жамият ва давлат тараққиётига эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма йиғилишида таъкидланганидек, "Бугунги кунда кичик бизнес ва талбиркорлиқни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни

юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, ҳўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Ишончим комилки, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жалал ва кент ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади". Бугун юртимизда яратилган қўлай талбиркорлик муҳити, ишбилармонларнинг ҳуқуқий эркинлиги бунинг аққол намунасидир.

Жорий йилнинг 27 апрелидан кучга кирган "Оилавий талбиркорлик тўғрисида" ги Қонуннинг қабул қилиниши эса, бу борадаги энг катта ҳуқуқий имкониятлардан бўлди. Оилавий талбиркорлик ҳақида гап юритганда, энг аввало, унинг ҳуқуқий таърифини тушуниб олиш лoзим. Хусусан, қонунга кўра, оилавий талбиркорлик оила аъзолари томонидан тавakkал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятidir.

Бундай фаолият ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланиб, юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Қонунга мувофиқ, юридик шахс мақомидagi оилавий талбиркорлик оилавий корхона шаклида ташкил этилиши мумкин. Бундай корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажа-

Алишер ХИДОЯТҲУЛЛАЕВ,
Бош прокуратуранинг
ОЎК катта ўқитувчиси

риш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улуши ёки биргаликдаги мулкка бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулкки негизда ташкил этиладиган кичик талбиркорлик субъекти саналади. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади.

Юқоридagi ҳолатларга кўра, шуни алоҳида ҳолатдаги жоизки, корхонани мулк ҳуқуқ объекти сифатида алоҳида қонун ҳужжатлари билан унинг ҳуқуқий мақомини белгилаш бугунги кундаги корхоналар фаолияти билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмни юқори даражада баҳолаш имконини беради. Шунингдек, жорий йилнинг 24 сентябрида "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши нафақат хусусий ёки оилавий корхоналарнинг мулккий ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини, балки барча мулкдорларнинг қонуний манфаатлари таъминланганлигини эътироф этишга асос бўлиб хизмат қила олади.

Т/р	Объектнинг номи	Жойлашган жойи	Бошланғич баҳоси (сўмда)	Сотилиш баҳоси (сўмда)
1	Якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.м. дан иборат 3-сонли ер участкаси	Бухоро вилоят Жондор тумани Охших ҚФЙ, Тўхсобо аҳоли пункти	372 200,00	500 000,00
2	Якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.м. дан иборат 1 та ер участкаси	Бухоро вилоят Пешку тумани Қалъай-Миришқор ҚФЙ, Талисобои кишлоғи	480 000,00	700 000,00



Инсон табиатининг олий мўъжизаси. У агар ақлу илрокини ишга солса, унинг олами пурвиқор тоғлар ҳам паст бўлади. Жаҳоннинг илму маърифати, олам аҳлининг таҳсини табриғи фақат уники бўлади. Агар, ҳуло кўрсатмасин, нафсу кўнгил измини тугиб тубанлашса, унинг қошига шайтон ҳам ип эшолмай қолади. Дониёр Ражабовнинг қирлиқорлари ҳақида эшитган оламнинг ҳаёлидан ана шундай фикрлар ўтиши шубҳасиз. У таассуфларким, иккинчи йўлни танлади. Жон қойитиб ишлашдан кўра, ўзгаларнинг топангага шерик бўлиш баробарида, ҳеч кимнинг гап-сўзини писанд қилмай қолади. Бир жойда ишламаслик, спиртли ичимлик ичи, текканга тегиб, тегмаганга тош отиш охир-оқибат уни разолат ботқоғи сари етказди.

Оқибатда ўзи туғилиб ўсган Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Учқўприк туман суди томонидан жавобгарликка тортилди. Аммо, инсонпарвар қонунларимиз асосида унинг жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди. Дониёр бу имкониятдан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётини изга солиш ўрнига яна ўз қилганидан қолмади. Отаси уни бу машъум йўлдан қайтаришга уринди. Аммо, энди кеч эди. Ўғил, "Насихатингиз ўзингизга буюрсин, мен ёш бола эмасман", дея унинг сўзини қайириб ташлади.

Орадан икки йил ўтар-ўтмас, яъни 2006 йилда жиноят ишлари бўйича Бувайда туман суди томонидан жавобгарликка тортилди ва унга жарима жазоси тайинланди. Орадан кўп ўтмай, такроран содир этган жинояти учун Учқўприк туман суди унга нисбатан ҳукм ўқиди. Қайта-қайта пешонаси тошга тегса ҳам кўзи очилмаган бу кимса учун энди жиноятчилик касбга айланган эди...

"Машинанинг пули қани?"

Миролим Соқиев ўша куни чап томони билан турган эканми, иши юришмади. Ошнасининг уйига борса, йўқ экан. Яқинроқ, деб ички йўлдан юрди. Қараса, Дониёр келяпти. Яқинлашиб қолганларида ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ Дониёр унга дўх урди:

- Машинанинг пули қани?
- Қанақа машина?

— "Жигули"ни олти миллионга сотибсан-ку! Агар шу пулни бермасанг, кунингиз кўрсатаман.

— Сенга берадиган пулим йўқ, — деди Миролим.

— Шунчаки, сени қараб тур, ҳали умрингиз қамоқда чиритаман.

— Қўлингдан келганини қил!

Бу шовқин устига келиб қолган Миролимнинг ўғли уларни тинчлантирмоқчи бўлган эди, Дониёр уни уриб, тан жароҳати етказди. Камига Ҳасанбойнинг бошидан нархи 150 минг сўмлик телпагини ўғирлаб, қочиб кетди.

Саккизинчи рақамли душман

Бир куни кўчада ҳамқишлоғи Шаробидинни учратиб қолди.

— Эй, бу ёққа кел, — деди оёқда тебраниб турган Дониёр. — Октябрда берган кўрсатмангни деб укам гумондор бўпқолди.

— Қанақа кўрсатма? — ҳайрон бўлди Шаробидин.

— Эсингдами, Камолнинг машинасида пул ўғирланганда, сен кўрсатма бергансан.

— Мен вазифамни бажарганман, холос, — деди Шаробидин.

Аммо Дониёр бўш келмади. Милицияга бориб, гапини қайтариб олишни талаб қилди. Шаробидин бормаслигини айтган эди, энди душманга айланиши, уни қаматиб, оиласини ҳам қириб юбориш билан пўписа қилди.

Шаробидин маст билан тенг келма-

йин, деб у билан ортиқча пачакилашиб ўтирмади.

Тўйлаги томоша

Улфатлар билан обдон ичган Дониёр, камига маҳалласидаги тўйга кирди ва хурмачасининг қолганини тўлдирди. Ичкилик жанжалга сабаб бўлди. Ошпазлар олдида бориб, улар билан жанжаллаша бошлади. Маҳалла фаоли Гани ака уни тинчлантирмоқчи бўлган эди, Дониёр унга ҳам тан жароҳати етказди. Гани ака уст-бошини тозалаш учун уйига кетганида Дониёр орақсидан бориб, жанжални давом эттирди. Шовқиндан кўчага чиққан ота ўғлининг Дониёр билан жанжаллашаётганини кўриб, уларни ажратмоқчи бўлди. Аммо безори тош отиб, отага жароҳат етказди ва воқеа жойини тарк этди.

Орадан уч кун ўтиб, қишлоқдаги ёғоч кесиш цехи ёнидан ўтиб кетаётган эди, маҳалладоши Ўткирни кўриб қолди.

— Ўткир, менга бир мотороллерда ўтин жўнатиб юбор!

Ўткир унинг гапига аҳамият бермади. Аммо, орадан кўп ўтмай, Дониёр қайтиб келди. Қараса, Ўткир йўқ. Уйига борди.

— Ўтин бормапми-ку, — деди у.

— Сиздан ўтин қарзим борми? — қизмиди Ўткир.

— Бўлмаса, машинамга бензин топиб бер.

— Мени бензоколонкам борми?

— Бўлмаса юз доллар берасан.

— Бир тийин ҳам бермайман!..

Тобора тубанлик ботқоғига ботиб бораётган Дониёр бир куни божасиникига меҳмонга борди. Божаси ва Ғулом исмли кимса билан спиртли ичимлик ичгач, Ғуломнинг қўл телефонини ўғирлаб, қишлоқдаги чойхонага йўл олди. Уй эгаси унинг ортидан етиб борди-да, Ғуломнинг телефони сўради. Аммо Дониёр телефон эвазига икки юз доллар талаб қилди.

Эгаси телефони олишдан умидини узиб, машинага ўтираётганида, унга пичоқ урди ва тан жароҳати етказди.

Кейинроқ ҳамқишлоғи Обиджонга телефон қилган Дониёр, ўз уяли телефонига пул ташлаб қўйишни, акс ҳолда уйига ўт қўйиб, ўзини қаматиб юбора-жагини айтиб, қўрқитди.

Дастлабки "ов"

Шу орада ҳамқишлоғи Носиржон ички ишлар идорасига арз қилиб, Дониёрнинг безорилик қилгани ва боқаси Ғуломжоннинг телефони олиб, тан жароҳати етказганини маълум қилди. Шу муносабат билан Учқўприк туман ички ишлар бошқармаси томонидан жорий йилнинг январь ойида унга нисбатан сиртдан айб қўйилиб, қидирув эълон қилинди. Бундан хабар топган Дониёр Тошкентга — укаси Шодиёрнинг ёнига йўл олди. У бу ерда ҳам тинч юрмади. Укасини жалб қилган ҳолда, уюшган гурӯҳ тузди.

Жорий йилнинг февраль ойида Ангрендаги генерал Эргашев кўчаси

Тоҳиржон ХУСАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма
АМИБ катта терговчиси
Икромжон МАНСУРОВ,
журналист

бўйлаб ёлғиз кетаётган қизни кўриб қолган ака-ука, уни тўхтатиб, қимматбаҳо буюмларини беришни талаб қилишди. Қиз кўриб кетганидан телефони билан қулоқларидаги икки юз минг сўмлик зиракларни ечиб берди. Дастлабки "ов" туфайли қўлга киритилган 300 минг сўмлик ашёлар 95 мингга сотилиб, уларнинг эҳтиёжига сарфланди.

Орадан кўп ўтмай, телефонда гаплашиб кетаётган Наталья исмли қизни хилват жойда қўрқитиб, 260 минг сўмлик буюмларини тортиб олишди.

Кейинги сафар талаба йигитнинг йўлини тўсиб, телефони тортиб олишди. Бир миллион сўм келтириб берса, телефони қайтариб беришни айтишди. "Хўп" деганча кетган талаба тегишли идораларга арз қилди. Бундан хабар топган ака-ука Сирдарёга — қариндошлари Мухторнинг уйига йўл олишди.

Дониёр Мухтордан Сирдарёда яна бир қариндошлари — Солижон ака яшайдиган хабар топиб, унинг уйига борди-да, 100 минг сўм бериб туришни сўради. Уй эгаси пули йўқлигини, фақат озик-овқат бериши мумкинлигини айтиб, уни олиб келиш учун хонадан чиққанида, мезбоннинг хонтахта тағидига уяли телефони ўмарди. У ердан чиқиб, Сирдарё шаҳри кўчаларидан бирида кетаётган қизнинг 720 минг сўмлик мулкни тортиб олиб, ўзлаштириб юборди.

Ҳеч нимадан тап тортмайдиган ака-ука жорий йил 18 февраль кuni Ҳамид Олимжон кўчасида яшовчи М.Зиннатуллинани ўлдириш билан қўрқитиб туришганида, келиб қолган машина чироқларини ёқгани сабабли режаларини охирига етказолмай қолди.

Кўп ўтмай шаҳардаги "Йулрентранс" ОАЖ ҳудуми бўлган Скрипкин исмли шахсга ҳужум уюштириб, унинг пули, куртаси, велосипеди ва ғувоҳномаларини тортиб олишди.

Босқинчилар 21 февраль кuni кечки пайт Гулистон шаҳрида фуқаро Азиза Маннобожоновнинг йўлини тўсишди.

— Қани, қимматбаҳо буюмларингни чиқар! — буюрди Дониёр. Шодиёр эса, уни бўға бошлади. Таҳликага тушган Азиза 203 минг сўмлик матоҳларини уларга топширишга мажбур бўлди. Аммо талончилар бу билан қифояланишмади. Зўрлик билан Азизанинг номусига тегдилар. Орадан икки соат ўтгач, укаси билан Термиз-Тошкент автоўйлигини Гулистон қисмидаги автобекатга келган Дониёр "Нексия" автомашинаси ҳайдовчиси билан пойтахтга олиб кетиш ҳақида савдолашди. У рози бўлган эди, йўлдан шерикларини ҳам олиб кетишлари кераклигини айтиб, бир жойга қириб ўтишни илтимос қилди.

Машина Камарова кўчаси бўйлаб кетаётганда Дониёр шериклари шу ерда эканини айтиб, тўхтатишни сўради. Шодиёр пастга тушиб, телефонда гаплашганча ҳайдовчини қалғитиб турганида, Дониёр ёнидан занжир чиқариб, уни бўға бошлади. Шодиёр бўлса ҳайдовчини ура бошлади. Олган тан жароҳатлари туфайли ҳайдовчи воқеа жойида вафот этди. Босқинчилар унинг қўл телефони, пластик картчаси, машина юкхонасидаги қийимлар солинган сумка ҳамда машина қалитини олиб, воқеа жойидан қочиб қолди.

Интиҳо

Ака-уканинг хурмача қилиқлари охири поёнига етди. Суд томонидан ака-ука Дониёр ва Шодиёр Ражабовларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Ҳа, Дониёр қанчадан-қанча одамларнинг оромини ўғирлади, жонига, молига қасд қилди. Пировардида у ўзи қазиган чоғга ўзи тушди. Халқимизнинг бировга чоқ қазисанг, ўзинг тушасан, деган мақоли нечоғлиқ тўғри эканлигини мана шу воқеа ҳам тасдиқлаб турибди. Уни сизга етказишдан муддао эса, яна бир бора хушёрликка чорлаш, тўғри, ҳалол турмуш тарзидан адашмасликка даъват этишдан иборат. Зеро, инсонга умр дея аталмиш бебаҳо неъмат фақат бир мартагина берилади. Шундай экан, ҳаёти-мизни эзгу ишларга сафарбар қилайлик.

Хоразмдан уйга қайтишга машина қилмаётган Ўқтам Сурхонларё вилоятига тегишли "Дамас"ни кўриб, хурсанд бўлганча ҳайдовчи билан савдолашишга киришди. Нарҳини келишгач, маҳалладоши Умида билан салондан жой олади. Шу орада яна бир йигит уларнинг сафига қўшилди. Шўрчи туманига йўл олган хоразмлик бу йигитни ҳайдовчи Ангор туманигача олиб кетишга рози бўлди.

«Зўр» ишнинг оқибати

Худойназар МАМАТКУЛОВ,
Термиз туман прокурори

Ўзаро суҳбатлашиб кетишар экан, йўлда учраган ошхонага кириб, овқатланиб ҳам олишди. Сурхонларё вилоятига кираверишда Ўқтам Россиядан келаётгани, ёнида телефони йўқлигини айтиб, ҳайдовчининг қўл телефони сўраб олди-да, кимгадир қўнғироқ қилди.

— Хозир Бўҳорога кириб келдик. Сен маанингнинг давлат рақамини ечиб, Ангор туманига ҳайдаб келгин-да, бизни ўша ерда кут. Неғалигини сўрама. Зўр иш бор. Кейин хурсанд бўласан...

Хуллас, улар ўтирган машина Ангор туманига ҳам етиб келди. Ўқтам танишига телефон қилган эди, ундан "яни бозорнинг ёнидаман", деган жавобни олди-да, ҳайдовчидан ўша ерга ҳайдашни илтимос қилди. Дарҳақиқат, бозор ёнида давлат рақами йўқ "Матиз" автомашинаси турган экан. Йўловчилар "Дамас" ҳайдовчисига қира ҳақини бериб, "Матиз" томон йўл олишди. Айни ўша пайт Ўқтам хоразмлик йигитга юзланди:

— Ака, сиз Шўрчига бораман, дегандингиз-а? Агар хўп десангиз, биз сизни Шўрчига ташлаб ўтамыз.

— Қира ҳақи қанча бўлади?

— Бу нима деганингиз? Шунча йўлни бирага босиб, танишиб олган бўлсан... Унинг устига савоб қилиш ҳам керак-ку! Айтмоқчи, танишинлар, — у ўзлари билан бирга келган йигитга "Матиз" ҳайдовчисини кўрсатди: — Бу маҳалладошимиз Мўйсин бўлади. — Бу киши эса, — Ўқтам энди хоразмлик йигит томон имо қилди. — Жавлон ака. Аммо зўр одам экан. Мўйсин, энди шу акани Шўрчига ташлаб ўтамыз. Нима дединг?

— Гап йўқ. Ака хурсанд бўлса бўлгани.

Бу гапдан мамнун бўлган йигит тезда маанингнинг олд ўринидаги жойлашди. Қолганлар ҳам ўтиришгач, "Матиз" ўрнидан қўзғалди. Термиз туманидаги халқасомон йўлга келганда, Ўқтам бошқаларга сездирмай, Мўйсинга "қум ичига ҳайда", дея имо қилди. 3-4 километрча юришгандан кейин Ўқтамнинг талаби билан машина тўхтади. Бошқалар ташқарига чиққан пайтда Ўқтам орқа томондан Жавлоннинг бўйнига пичоқ тиради-да, шерикларини чакрди. Улар келишгач, Жавлонни ушлаб туришди, Ўқтам эса унинг қўлларини орақсига қайириб, боғлади. Кейин машинадан тушиб, нарироққа судраб боришди. Енини қавлаб, 1000 рубль пули билан икита қўл телефони, тилла узугини, қўлидаги соатини олиб, ўзини шу ерда қолдиришди. Орақа қайтиб, машинада қолган сумкасини ҳам тинтиб қўришди. Сумка ичидан чиққан аёллар костюми, болалар ўйинчоқлари, спорт кийими, фотоаппарат каби Жавлонга тегишли нарсаларни ҳам олишди-да, машинага ўтириб, жуфтчини ростлашди.

Кўп ўтмай, "зўр" ишни режалаштириб, охир-оқибатда бир фуқаронинг 3 млн. сўмдан ошмироқ мол-мулкни ҳамда пулларини босқинчилик йўли билан қўлга қиритган жиноятчилар қўлга олинди ва суд томонидан уларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо тайинланди.



«Микрокредитбанк» — ободлик ва фаровонлик хизматида

Мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик масаласини ҳал этиш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида ҳам мазкур соҳанинг салмоғи йил сайин ошиб бормоқда. Шу боис ҳам мазкур соҳани жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар, қўрсатилаётган банк хизматларидан самарали фойдаланаётган тадбиркорларимизнинг эришаётган ютуқлари ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти юксалишига хизмат қилмоқда.

Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу орқали аҳолининг обод турмушини таъмин этиш барча тижорат банклари қатори «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг ҳам асосий стратегик мақсади саналади.

Президентимиз ташаббуси ва 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони асосида иш бошлаган мазкур молиявий муассаса яқинда «The Banker» (Буюк Британия) журнали томонидан 2012 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб эътироф этилди.

Ҳақиқатан ҳам, банк томонидан жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар ва уларнинг самарасини таҳлил этидиган бўлса, қувноқли натижаларга эришилганига ғувоҳ бўламиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, жумладан уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, сифатли банк хизматларини таклиф этиш борасида банк томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қўрсатилаётган микромолиявий хизматлар миқдори кичик бўлса-да, микромолиявий хизматлардан фойдаланаётган мижозлар сонини юқори ҳисобланади. Чунки, микросармоялар фойз ставкаларининг камлиги тадбиркорларга қулайлик яратмоқда. Банкнинг имтиёзли микромолиявий хизматларидан фойдаланаётган мижозларнинг аксарият қисми айнан кичик миқдордаги банкнинг бошланғич сармоясидан фойдаланаётган мижозларни ташкил этишини айтиб ўтиш ўринли.

«Микрокредитбанк» ОАТБ мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга Давлат дастурларининг амалга оширилишида ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарурий маблағлар билан таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, молия муассасаси томонидан оилавий тадбиркорликни, аёлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ажратилаётган имтиёзли микрокредитлар жойларда, айниқса, чекка қишлоқларда тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратаяётганлиги, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини

оширишга катта ҳисса қўшаётгани эътиборга молиқдир. Тадбиркорликнинг турли йўналишлари - маиший хизмат қўрсатиш, умумий овқатланиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ташкил этишда микрокредитлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, турмуш ободлигининг бош омили аҳолининг иш билан таъминланганлигида. Банк томонидан жорий йилнинг ўтган 11 ойи давомида 190,5 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар қўрсатилди. Натижада эса 98 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

2012 йил мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан йил бошида ҳудудларда оилавий бизнесни ривожлантириш, уларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши оилавий бизнес лойиҳа» танлови эълон қилинган эди. Танловда банкнинг мингдан зиёд мижози иштирок этди.

6 декабрь кунини қўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танловнинг сўнгги Республика босқичи натижаларига кўра, 1-ўринга «Отарбоев Азатбай» оилавий қорхонасига (Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани) насиб этган бўлса, «Фаол захматқаш» оилавий тайёрлов қорхонаси (Сирдарё вилояти Гулистон тумани) 2-ўрин ҳамда «Аср термолласт нур» оилавий қорхонаси (Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани) 3-ўринга сазовор бўлди.

Шунингдек, қўшимча номинацияларда оилавий тадбиркор «Имомбердиева Алия» (Сурхондарё вилояти Музрабод тумани) — «Энг кўп ишчи ўрни яратган тадбиркор», «Мухташам аср» оилавий қорхонаси (Тошкент вилояти Янгийул тумани) — «Энг яхши оилавий сервис хизмати» ҳамда оилавий тадбиркор «Тоқаева Шахноза Элмурод қизи» (Самарқанд вилояти Нарпай тумани) — «Энг ёш оилавий тадбиркор» деб эътироф этилди.

Ғолиб ва совриндорларга «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари тақдим этилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мазкур тадбир нафақат ғолибларни тақдирлаш маросими, балки меҳнат ва санъат самараси уйғуллаган анжуманга айланиб, иштирокчиларда жуда катта таассурот қолдирди.

Банк томонидан хизмат қўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 39,2 миллиард сўмдан ошиқроқ сармоя йўналтирилди.

Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига банк сармоясини киритиб, аҳоли фаровонлигини оширишни мақсад қилган банк жамоасининг тадбиркорлар билан уршувлари, малакали мутахассисларнинг тавсиялари, тажриба ва амалиёт уйғунлиги, энг муҳими, физики кам-кредитлардан унумли фойдаланиш борасидаги фикрлар ёшларда тадбиркорликка бўлган қизиқишни орттирмоқда. Банк томонидан аъёнавий ўтказиб келинаётган «Ёш тадбиркор — юртга мадакор» танловида минглаб ёшлар иштирок этиб, ўзининг бу борадаги салоҳияти, иқтидорини намойиш этмоқда. Минглаб ёшларда тадбиркорликка қизиқиш уйғонмоқда.

Банк томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари тадбиркорлик фаолиятини бошлашига қўмаклашиш мақсадида 8,9 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилгани қўллаб-ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишига мадад бўлди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда кенг қўллаб-қувватлашга қўллаб-қувватлаш учун имкониятлар ишга солинмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифарлардан келиб чиқиб, банк томонидан «Оила фаровонлиги учун» деб номланган хизматлар мажмуасини тақдим этилди. Банкнинг мазкур янги хизматлари жисмоний шахсларга мўлжалланган бўлиб, оила учун ҳар томонлама қулайликлар, имкониятлар яратиш, оилалардаги фарзандларнинг замонавий, илғор кишилар бўлиб улғайишларига қўмаклашиш оила даромадларини қўлайтиришга хизмат қилади.

Бугун қўллаб тадбиркорлар банк билан ҳамкорлик қилиб, ўз мақсадларига етмоқда, оиласи фаровонлигини ошириб, юртга нафи тегмоқда. Буни банк томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 минг 700 дан зиёд ёш оилага 25,7 миллиард сўмлик сармоя йўналтирилганлигида ҳам қўриш мумкин.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида олиб борилаётган ишлар натижасида, энг аввало, оилавий тадбиркорликни бошлаган ёш оилалар диққат-эътиборда бўлиб келяпти. Уларнинг тадбиркорлиги бошланғич сармоя билан таъминланаяпти.

Бугун қўллаб ёш оилалар банклардан имтиёзли кредит олиб, уй-жойини, маиший шароитини яхшиламоқда, тадбиркорликни йўлга қўймоқда.

Буларнинг барчасини мамлакатимизда оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда, обод турмуш шароитларини барпо этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасидир.

Президентимизнинг 2008 йил 11 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори қорхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қўллаб-қувватлашга дастуриламал бўлди. Мазкур ҳужжат мамлакат иқтисодиётининг реал сектори базавий тармоқларида иқтисодий ўсиш, макроиктисодий муносабатларда барқарор ўсишни таъминлаш, sanoatнинг етакчи тармоқлари, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Буни «Микрокредитбанк» ОАТБ томонидан эришилган натижалар миқдоридан ҳам қўришимиз мумкин.

«Микрокредитбанк» томонидан қўрсатилаётган молиявий ёрдам натижасида нафақат шаҳарлар, балки олис қишлоқ ва овулларда ҳам замо-

навий ускуналар билан жиҳозланган янги қорхоналар ишга туширилмоқда. Қорхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ишлари муваффақиятли амалга оширилаётди.

«Микрокредитбанк»нинг мижози - Андижон туманида фаолият қўрсатаётган «Panoh lyks servis» хусусий қорхонаси раҳбари З.Парпиев бу борада қуйидаги фикрларни билдирди:

— Ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқиши, спортга бўлган эътиборнинг ортиб бораётганини инобатга олиб, «Panoh lyks servis» хусусий қорхонасини ташкил этдик ва бокс қўлқоплари, шингалка, шлемлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. «Микрокредитбанк» хизматларидан мамнунман. Банк ходимлари бизнинг мурожаатларимизни тезлик билан қўриб чиқиб, ижобий ҳал этиб бермоқда. Хомашё сотиб олиш учун 31 млн. сўм кредит олиб ўз фаолиятининг ривожлантирдик. Бунинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошди. 6 та ишчи ўрни ташкил этдик. Келгусида қорхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш ниятимиз бор.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Ўзбек-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор ижроси бўйича ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда «Микрокредитбанк»нинг ҳам алоҳида ҳиссаси бўлаётди. Айниқса, истиқболли тармоқларни ривожлантириш борасидаги ишлар эътиборга молиқ.

Банкнинг яна бир мижози «Асака файзли нон» МЧЖ раҳбари Б.Ҳожиमतовнинг ҳам фикрларини келтириб ўтасан:

— Фаолиятимиз ҳақида тўхталади-ган бўлсам, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Асака шаҳри аҳолисини сифатли нон маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшиб келяпмиз. Ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва замонавий дастгоҳлар сотиб олиш мақсадида «Микрокредитбанк»дан 24 млн. сўм имтиёзли кредит олдик. Бунинг натижасида фаолиятимиз янада жонланди, ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Қорхонамизда 12 ишчи ўрни ташкил этилган. «Микрокредитбанк» билан ҳамкорлик қўлаётганимиздан жудам хурсандим.

Бугун «Микрокредитбанк» томонидан яратилган бундай қулайликлардан барча мижозлар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам жуда мамнун бўлмоқдалар.

Банк аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, янги ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармоя учун микрокредитлар ажратиш, фаолият қўрсатаётган кичик бизнес субъектларига тадбиркорликни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун микрокредитлар ажратиш ва уларга лизинг хизматлари қўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида изланишлар олиб борилаётди.

Бу борадаги ибратли ишлар кириб келяётган 2013 йил — «Обод турмуш йили»да ҳам давом этади. □

Банк матбуот хизмати

«EFFECT REAL GROUP»

МЧЖ бошлангич баҳоси босқич-
ма-босқич ошиб бориш тартибида
ўтказиладиган очик «Аукцион»
савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Суд департамен-
тининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқар-
маси томонидан, Жиноят ишлари бўйича
Фарғона вилоят судининг 08.08.2012 йил-
даги 2-50/2012-сонли ижро ҳужжатида
асосан:

1. Олтиариқ тумани Қапчуғай ҚФЙ
ҳудудига жойлашган, "1-Кўчма Механи-
зациялаштирилган Карвон" хусусий кор-
хонасига тегишли "Темир бетон ишлаб чи-
қариш цехи" бино ва иншоотлари.

Бошлангич баҳоси — 566 306 057 сўм.

2. Олтиариқ тумани Кўмирчи МФЙ
ҳудудига жойлашган, "1-Кўчма Механи-
зациялаштирилган Карвон" хусусий кор-
хонасига тегишли 4-сонли "Савдо дўкони".

Бошлангич баҳоси — 46 605 011 сўм.

3. Олтиариқ тумани Қапчуғай ҚФЙ,
"Шарқ тонги" кўчасида жойлашган қури-
лиши тугалланмаган "Маҳалла гузари"
бино ва иншоотлари.

Бошлангич баҳоси — 17 957 216 сўм.

Очиқ "Аукцион" савдоси 2013 йил 25
январь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Очиқ "Аукцион" савдоларида иштирок
этиш учун талабгорлардан савдода қатна-
шиш учун аризалар 2012 йил 26 декабр-
дан бошлаб ҳар кuni (байрам ва дам олиш
кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00
гача қабул қилинади. Талабгорлардан ари-
заларни қабул қилиш 2013 йил 22 январь
кuni соат 17:00 да тўхтатилади.

Мазкур кўчмас мулк 2013 йил 25 ян-
варь кuni сотилмаганда тақдирда такро-
рий "аукцион" савдоси 2013 йил 12 фев-
раль кuni бўлиб ўтиши олдиндан маълум
қилинади. Такрорий "аукцион" савдоси
учун аризаларни қабул қилиш охириги муд-
дати 2013 йил 8 февраль кuni соат 17:00
гача.

Шунингдек, аукцион савдосига Суд де-
партаментининг Фарғона вилоят ҳудудий
бошқармаси томонидан, Фуқаролик иш-
лари бўйича Ўзбекистон туманлараро су-
дининг 10.05.2012 йилдаги 1261-сонли
ижро ҳужжатида асосан Бешариқ туман,
Рапқон ҚФЙ, Рапқон қишлоғида жой-
лашган "Бодалар дунёси" савдо дўкони
бино-иншоотлари қўйилган.

Бошлангич баҳоси — 17 100 000 сўм.

Очиқ "Аукцион" савдоси 2013 йил 9
январь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Очиқ "Аукцион" савдоларида иштирок
этиш учун талабгорлардан савдода қатна-
шиш учун аризалар 2012 йил 26 декабр-
дан бошлаб ҳар кuni (байрам ва дам олиш
кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00
гача қабул қилинади. Талабгорлардан ари-
заларни қабул қилиш 2013 йил 7 январь
кuni соат 17:00 да тўхтатилади.

Мазкур кўчмас мулк 2013 йил 9 январь
кuni сотилмаганда тақдирда такрорий
"аукцион" савдоси 2013 йил 24 январь кuni
бўлиб ўтиши олдиндан маълум қилинади.
Такрорий "аукцион" савдоси учун ариза-
ларни қабул қилиш охириги муддати 2013
йил 22 январь кuni соат 17:00 гача.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар бил-
лан туман суд ижрочилари вакили ишти-
рокида бевосита жойига чиқиб танишиш
мумкин.

Очиқ "Аукцион" савдосида қатнашиш
учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" бил-
лан тузиладиган закатал келишувига асосан,
мулкнинг бошлангич баҳосининг 10 фоиз
миқдорига закатал пулини тўлов ҳужжати-
да мулк номи кўрсатилган ҳолда "Савдо таш-
килотчиси" "EFFECT REAL GROUP"
МЧЖнинг рекузитлари: ИНН 302128329,
МФО 05000, "Савдогарбанк" Фарғона ви-
лоят бўлимидаги 20208000704943278001
ҳисоб рақамига тулашлари шарт.

Талабгорлар қизиқтирган барча савол-
лар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат
қилишлари мумкин.

"EFFECT REAL GROUP" МЧЖ.

Почта манзили. Фарғона шаҳар Аҳмад
ал-Фарғоний кўчаси 43-уй.
Тел.: +99895 404 54 84.

Лицензия RR 0094.



XALQ BANKI

жамоаси барча ҳамюртларимизни
кириб келаётган янги

2013 йил —

«Обод турмуш йили»

билан сидқидилдан муборакбод этади!

Янги йилда Сизларга

сиҳат-саломатлик, тинчлик ва улкан
муваффақиятлар тилаймиз!



ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!

Хизматлар лицензияланган.

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги "2012-2013 йилларда давлат мулкани ху-
суслилаштириш дастури тўғрисида"ги ПҚ-1743-сон-
ли Қарорига асосан ноли харид қийматида инвести-
ция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича эълон
қилинган танлов муддатига ўзгартириш киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 декабрдаги қарорига асосан 2012 йил 31 декабрь
дам олиш кuni деб эълон қилинганлиги муносабати
билан Қашқадар вилоят Давлат мулки бошқармаси
томонидан танлов ўтказиш бўйича "Биржа" иқтисо-
дий газетасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 126 (1537)-
сонли ва "Хуқуқ"газетасининг 2012 йил 1 ноябрдаги
44 (825)-сонлида эълон қилинган мулдат 2012 йил 31
декабрдан 2013 йил 8 январга кўчирилди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Бош про-
куратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти жамоа-
лари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоат-
чилиги Маркази прокуратура фахрийси

Аманбай ҚАЛАНДАРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига
ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида-
ги СВОЖДЛҚК Департаменти жамоаси Департаментнинг
Дустлик туман бўлими бошлиғи Олим Қирғизбоевга падари
бузруквори

Салоҳиддин ҚИРҒИЗБОЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir
o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

233-10-53

Faks: 233-10-53,

233-64-85

Gazeta haftanay payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taq-
qinlanmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib
bosish faqat tahririyat ruxsati bilan
amalg oshiriladi.

□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni
uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi

231

Buyurtma j-6067. 45 7^{na} nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriki va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.





ҲУРМАТЛИИ ЮРТДОШЛАР!

**“Асака” банк (ОАЖ)
Сизларни кириб келаётган
Янги йил билан табриклайди
ва қўидаги миллий валютадаги
муддатли янги омонат турини
таклиф этади!**

«Янги йил 2013»

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати
13 ой бўлиб, ҳисобланган фойзлар олдиндан
ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин
Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарход филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўкон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Кашкадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

*“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.*

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.